

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**823 Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,
инкассация ва қимматликларни ташишга доир
йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
9 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1831-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 июндаги Ф-4977-сон «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги мажбурий ижро бюроси фаолияти самарадорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2008 йил 17 майдаги 12/2-сон қарори (рўйхат рақами 1831, 2008 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 26-27-сон, 258-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банки раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 июль,
17/1-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил
18 июлдаги 17/1-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,
инкассация ва қимматликларни ташишга доир йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 327-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«327. Банк (банк филиали)нинг банкдан ташқарида жойлашган опера-

цион кассалари банк филиали жойлашган ҳудуд (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) доирасида очилиши мумкин. Ҳудудда филиали мавжуд бўлмаган банкларга банкдан ташқарида жойлашган операция касса ташкил этишга рухсат этилмайди.

Банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар томонидан фақат аҳолидан коммунал тўловлар, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар, жарималар, мажбурий ва ихтиёрий суғурта учун тўловлар, шунингдек, омонатларга кирим қилиш учун ҳамда бошқа тўловларни амалга ошириш учун нақд пулда ёки банк пластик карточкаларидан терминал воситасида қабул қилиниши мумкин. Шунингдек, банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар орқали аҳолига уларнинг талабига мувофиқ омонатларидаги пул маблағлари нақд пулда берилиши мумкин.

Банк биносидан ташқарида жойлашган операция кассалар тушган нақд пул тушумларини инкассация хизмати орқали ҳар куни операция касса жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳардаги тижорат банки (филиали) кассаларига топширишлари лозим. Операция касса жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳарда тижорат банки (филиали) мавжуд бўлмаган тақдирда нақд пул тушумларини инкассация хизмати орқали ушбу ҳудуддаги бошқа тижорат банки (филиалли)га топширади.

Бунда инкассация хизмати йўналишлари улар жойлашган туман ёки туманларга бўлинмаган шаҳар ҳудудидан ташқари йўналишлар бўйича белгиланишига рухсат этилмайди.

Туманларга бўлинган шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган банклар (банк филиаллари) томонидан банкдан ташқарида жойлашган операция кассаларга тушган нақд пул тушумлари уларни ташкил этган банк (банк филиали) кассаларига инкассация хизмати орқали топширилиши мумкин.».

2. 38-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Тижорат банкларида касса ишини ташкил этиш,
инкассация ва қимматликларни ташишга доир
йўриқномага киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Тижорат банкларида касса ишини
ташкил этиш, инкассация ва қимматликларни
ташишга доир йўриқномага
38-ИЛОВА

179-шакл

**Банкларнинг нақд пул ва бошқа қимматликларини инкассация
қилиш учун берилган бир марталик
ИШОНЧНОМА**

<p>Республика Инкассация Хизмати</p> <p>_____ (бошқарма номи) инкассация бошқармаси</p> <p>_____ (бўлим номи) инкассация бўлими</p> <p>_____ -сонли ИШОНЧНОМА МИЛКИ</p> <p>Инкассаторлар бригадаси бошлиғи _____ _____ га (Ф.И.Ш.)</p> <p>_____ дан қабул қилиб _____ шаҳри (тумани)даги _____ га етказиб бериш учун _____ _____ сўм (суммаси сўз билан ёзилади)</p> <p>миқдордаги пул ва бошқа қимматликлар олиш учун берилди.</p> <p>Марказий банкнинг 20__ йил «__» _____ даги _____ -сонли хизмат фармойиши</p> <p>Ишончнома 200__ йил «__» _____ гача ҳақиқийдир</p>	<p>Республика Инкассация Хизмати</p> <p>20__ йил «__» _____ гача ҳақиқийдир ва у суратли гувоҳнома билан бирга кўрсатилиши шарт</p> <p>_____ инкассация бошқармаси (бошқарма номи)</p> <p>_____ инкассация бўлими (бўлим номи)</p> <p>_____ -сонли ИШОНЧНОМА</p> <p>Инкассаторлар бригадаси бошлиғи _____ _____ га (Ф.И.Ш.)</p> <p>_____ (суммаси сўз билан ёзилади) _____ сўм миқдордаги пул ва бошқа қимматликларни _____ дан олиб (банк номи) _____ шаҳри (тумани)даги _____ (банк номи) _____ га етказиш учун берилди.</p> <p>Инкассаторлар бригадаси бошлиғининг шахсий имзоси _____ тасдиқланди. (имзо)</p> <p>Марказий банкнинг 20__ йил «__» _____ даги _____ -сонли хизмат фармойиши асосида топшириқни бажариш учун ваколат берилди.</p>
---	--

(ишончноманинг орқа тарафи)

<p>Нақд пул ва бошқа қимматликларни кузатиб бориш учун тайинланган инкассаторлар гуруҳи таркибига киритилган инкассаторлар</p> <p style="text-align: center;">Р Ў Й Х А Т И</p> <p>1. _____ (Ф.И.Ш.)</p> <p>2. _____</p> <p>3. _____</p> <p>4. _____</p> <p>5. _____</p> <p>6. _____</p> <p>7. _____</p> <p>Амалдаги йўриқномага мувофиқ, инкассаторлар тегишли ҳужжатларга имзо қўядилар.</p> <p>_____ инкассация бошқармаси раҳбари _____ (бошқарма номи) (имзо)</p> <p>_____ инкассация бошқармаси (бошқарма номи)</p> <p>бош бухгалтери _____ (имзо)</p> <p>20 ____ « ____ » _____ М.Ў.</p>	<p>Нақд пул ва бошқа қимматликларни кузатиб бориш учун тайинланган инкассаторлар гуруҳи таркибига киритилган инкассаторлар</p> <p style="text-align: center;">Р Ў Й Х А Т И</p> <p>1. _____</p> <p>2. _____</p> <p>3. _____</p> <p>4. _____</p> <p>5. _____</p> <p>6. _____</p> <p>7. _____</p> <p>Ишончномани олдим _____ (имзо) (гуруҳ бошлиғи Ф.И.Ш.)</p> <p>20 ____ йил « ____ » _____</p> <p>Раҳбар: _____ (имзо)</p> <p>20 ____ йил « ____ » _____</p>
--	---

».